## Муиниддин НАТАНЗИЙ

# Мунтахаб ут-таворихи муиний

### СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ СЕЙСТОН ТАРАФГА ОТЛАНГАНИ ВА У МАМЛАКАТНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШ ТАФСИЛОТЛАРИ ЗИКРИ

Амир Соҳибқирон ғалаба шиорли байроқларни Сейстон тарафга йўналтирди ва муқаддимада Оқтемур баҳодирни манғолой тарзида юборди. Лашкар ғули Фарох ноҳиясига яқинлашганида Шоҳ Жалолиддин Фарохий бирóдарлари ва фарзандлари билан истиқболга чиқиб шаҳарни таслим қилди ва ҳазратнинг бошқа қуллари қаторидан жой олди. Оқтемур баҳодир Сейстон ноҳияларига қойиллатиб босқин ясагандан сўнг ҳазрат олдига келиб ғулга қўшилди. Лашкар қанотлари айланиб Сейстоннинг атрофларини қуршаб олганидан сўнг Малик Қутбиддин таҳдид қилиб, жамики пиёда ва отлиқларга, худди ҳайит ўтказиладиган жойга боргандек ёв истиқболига ташқарига чиқишни буюрди. Амир Соҳибқирон Муҳаммад Султоншоҳга икки минг мукаммал қуролланган номдор отлиқ билан бир гўшада пистирма қуришни буюрди. Умар Аббос беш юз нафар отлиқ билан пистирма ёнидан ўтиб сейстонликларга ташланди. Сейстон отлиқлари жиловни қўйиб юбориб катта иштиёқ билан ҳамла қилдилар. Умар анча пайтгача туриш берди. Ҳар икки тараф қиличлари яшинларининг шуъласи бир-бирларига чирмашиб, найзалар тили ўлим хабарини етказишга киришганида Умар қайтиш жиловини қочиш томонга йўналтирди ва уларни (яъни сейстонликларни) ҳам пистирма ёнидан боплаб ўтказди. Шундан сўнг Муҳаммад Султоншоҳ сурон ва бурғу садосига мос равишда довюраклиқ қамчисини таҳдид отига уриб бир ҳамлада ёғийни тор-мор келтирди. Сейстонликлар мукаммал қуролланган лашкарнинг ўткир қиличи дами ва қонхўр найзаси зарбасини кузатишганидан сўнг тўқнашиш ва низолашиш фойда келтирмаслигини билишди. Жанг майдонидан қочишга юзланиб, на ўлик ва на тирик бир аҳволда шаҳар томонга йўл олдилар. Чиғатой баҳодирлари эса гўё ғазабнок шер чорвага ҳамла қилгани ёки даҳшатли аждаҳо оҳуга қасд этгани каби уларни бирин-кетин зарба бериб йиқитишарди. Чунончи, то дарвоза олдигача ҳамма йўлда ўликлардан тепалар пайдо бўлди.

Шундан сўнг Амир Соҳибқирон буйруғига кўра ноғора ва бурғу чалиниб ҳамда сурон солиниб, тартиб билан йўлга тушишди ва шаҳар ҳудудида юртлар олишмиши қилиб мурчолларга тушишди. Туннинг қора оти тўзони кундузнинг оқ отини қоплагач ва қуёш шами қоронғи кечанинг фонусида йўқолгач, сейстонликлар шабихун қилиш ниятида ташқарига чиқишди. Улар келишидан олдин Амир Соҳибқирон бундай жор эълон қилдирганди: «Барча хосу ом чодирлардан ташқарига чиқиб мукаммал равишда қуролланиб чапарларнинг орқасида ўтирсинлар. Агар шабихун содир бўлса, то ноғоралар гумбурлашини эшитмагунча шовқин кўтармасинлар».

Сейстонликларнинг оёқ товушлари яқинлашгач, Амир Соҳибқирон улар ўтадиган жойда минг газга баробар ерни очиқ қолдириб, куроннинг ўртасида икки томонлама саф тортиб туришни буюрди. Чандовул баҳодирлари бир неча қўшунни тартибга солиб, пистирмага жор етказилишини кута бошладилар. Сейстонликлар туғма нодонликлари чегарасизлиги туфайли бебоклик ва эътиборсизлик билан чапар ва хандақларга ташланиб то курон ўртасигача, яъни давлатпаноҳнинг саропардаси олдига етиб келишди. Улар жоҳиллик билан отми, туями, чодирми — хуллас, нимаики кўзларига ташланса, қилич ва ханжар билан тилка-пора қилишарди. Барчалари курон қамарғасига киришганидан сўнг, фармонга биноан даргоҳ ноғорачилари таёқ билан ноғораларни гумбурлатдилар. Бирваракайига тунги ёмғир, яъни ўқлар камон булутидан ёға бошлади. Ўқлардаги бургут патлари сояси тун зулматига бошқача ранг берди. Сейстонликлар дилни яраловчи ўқлар, жонга офат солувчи қиличлар ва жаҳонни куйдирувчи найзалар дами ялтирашидан ярим кечада кундузги туш пайтини кўришди. Уларнинг аксар қисми қирғин қилингандан сўнг озгинаси қурбонгоҳдан ташқарига қочиб чиқишди. Аммо уларни ҳам чандовул отлиқлари от туёқлари остида топтаб, то хандақ чеккасигача ер билан битта қилишди.

Тонг пайтида зулмат занги қуёш ойнасидан киртишланиб, асл жавоҳир шодаси (яъни юлдузлар) офтоб нурлари тиғи билан йўқотилгач, малик Қутбиддин ожизлик ва ноиложлик бошини эгиб, тафаккур қўлини ҳайрат пешонасига устун қилди. Бир қанча муддат ҳар бир одамдан маслаҳат сўради, лекин аҳволни ўнглашга ёрдам берадиган сўз эшитмади. Шундан сўнг ўзи бошини қотириб шу фикрга келдики, олишувдан қўлини тортиб давлат этагини ушламоғи ва мағрурлик бошини саодат остонасига урмоғи лозимдир. Шундан сўнг олишув ҳавасини йиғиштириб, таваккал қилиб қуллуқ изҳори учун ташқари чиқди. Аллоҳ далилини мунаввар қилгур Султон Соҳибқирон унинг эски ва янги гуноҳларини афв этиб, махсус чопон кийгизиб хос кишилар қаторига қўшди.

Амир Срҳибқирон шу заҳотиёқ кичик бир гуруҳ кишилар билан қалъа девори ва хандақ атрофини айланиб келиш учун отланди. Сейстон жоҳиллари қалъа девори тепасидан давлат соябонининг қорасини кўришгач, беҳад бахтиқароликлари туфайли камон ўқларини ҳазрат Султон Соҳибқиронга тўғрилаб, бирдан отишга ишора қилиб довул қоқишди. Ногаҳон бир ўқ ҳазрат отининг сағрисига тегди. Султон Соҳибқирон уларнинг ёмон ниятга орзуманд эканликларини кўргач, саломатлик жиловини шодлик қароргоҳи томонга бурди ва бутун лашкарга ўз мурчолларидан ҳужум қилиб, хоҳ арқон ва хоҳ нарвон билан қуш каби юқорига кўтарилишни буюрди. Шундан сўнг улуғ ёсоқ амалга оширилиб ёсоқчилар ўтмас қиличларни Сейстон сипоҳлари қони билан ўткирлашди. Аммо шаҳарнинг қолган аҳолиси онҳазратнинг марҳамати соясида омон қолишди. Султон Соҳибқирон малик Қутбиддинни шаҳарнинг барча бой одамлари билан Самарқандга кўчиртириб ўзи Гармсир ва Қандаҳорни забт этишга отланди.

### СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ МОЗАНДАРОН ТАРАФГА ОТЛАНГАНИ ВА У МАМЛАКАТНИНГ ФАТҲ ҚИЛИНГАНИ ЗИКРИ

Амир Вали бир неча марта улуғ жиргадан турлитуман ҳийла билан ўзини четга тортди. Агар у ўз ҳаддидан ошмасдан ва ўзини ҳалокат чоҳига ташламасдан юрганида бу унинг аҳволи яхшиланишига сабаб бўларди. Лекин амир Вали ўзининг беадаб қилиқларини тарк қилмади ва бир неча марта бирон фитнани ҳаракатга келтириш ниятида бўлди. У Форс, Ироқ ва Озарбойжон султонларини иттифоқ бўлиб бир мавзеъда тўпланиб, Мовароуннаҳрга отланишга ундади. Бутун Эронзаминда иккита ҳамжиҳат дил битта амир томонга юзланмагани ва бир одамнинг бошқа одамга эътимоди йўқлиги туфайли унинг бу тадбирларидан бирон натижа чиқмади.

Султон Соҳибқирон амир Валини даф этиш зарурат эканлигини англади. Онҳазрат буйруғига кўра бутун мамлакатдан катта лашкарлар ҳаракатга келди ва Султон Соҳибқирон Мозандарон томонга лашкар тортди.

Амир Вали бу гал фирибي ўтмаслиги ва узри эшитилмаслигини англаб, таваккал қилиб қобилият ва имкони кўтарганича кўшиш қилишга аҳд қилди ва Кодакруш чегарасидан то Астробод олдигача бўлган барча йўлларни ишғол қилиб мустаҳкам жойи бўлган ҳар бир дарада мудофаа учун лашкар қўйди. Султон Соҳибқирон мустаҳкамланган жойларни бир-бир эгаллаб ўтиб борарди. Бир неча марта амир Валининг қоровуллари Султон Соҳибқироннинг қоровуллари билан орият юзасидан қиличбозликлар қилиб, мағлубиятга учрагандан сўнг от жиловларини буриб орқага қайтишди. Шунчалик қудратли лашкар ҳар куни йўлларни тузатиш ва ўрмонни кесиб йўл очиш туфайли бир фарсангдан ошиқ олдинга кўчолмасди. Тўрт фарсангдан ортиқ масофа қолмаганидан сўнг амир Вали ўзича шу қарорга келдики, бу мавжга кирган денгизга қарши бирон гўшадан шабихун уриб бўлмаса, бошқа бирон иш қилиб бўлмайди. Қарийб ўн икки минг отлиқни мукаммал равишда қуроллантириб тартибга солиб уч дафъа ҳужум қилиш учун сафга тизди. Ҳар дафъа ғулга ҳужум қилиб, то тонг отгунча жон-жаҳдлари билан қиличбозлик қилмоқчи бўлишди. Шундан сўнг амир Валининг ўзи давлатпаноҳ даргоҳига қасд қилувчи бўлди. У парвона шамга қараб интилгани ёки қулон йўлбарснинг қаршисига чиққани каби йўлга тушди. Ёғий тарафдаги йўлнинг ярим фарсангга баробар олд қисмини муҳофаза қилиб турган чандовул қоровуллари душман оёқлари товушини эшитгач, шамолдан ҳам тезроқ баҳодирларга маълум қилишди, Султон Соҳибқирон ҳатто тунда кезувчи юлдуз ўзининг сайр қиладиган йўлини кўздан йўқотиб қўядиган бу зим-зиё тун ярмида, замона кўзи тез айланувчи фалак равишидан хира тортиб, қоронғилик ғубори булут чўнтагидан қор ғолиясини сепаётгани ва осмон ғалвири ҳар тарафга қаратиб бало ёмғирини элаётганига қарамай шахсан ўзи отга миниб баронғор ғулини амирзода Мироншоҳга топширди ва Хуросон лашкарини мустаҳкамлади. Худойдод Ҳусайнийни Туркистон сардорлари билан биргаликда жавонғор қанбулига тайин қилди. Ику Темур, Умар Аббос ва бошқа уйуғлонлар туманларини қўшин маркази тўғрисига қўйди. Шабихун қилувчиларнинг илғор қисмлари зарбаси яқинлашиб, суворийларнинг ҳайқириқлари ноғоралар гумбурлашига қўшилиб осмон этагига бориб туташди. Паҳлавонларнинг таҳдиди фалакнинг айланувчи доирасини тўхтатди ва отларнинг кишнаши худди Исрофил карнай садоси каби ўликларни тирикларга аралаштириб қўйди. Қилич яшинлари ялтирай бошлаб, ўқлар дўли шиғаб ёға бошлади. Чиғатой довюраклари ўлимни писанд этмасдан ҳар қайси тарафгаки юзлансалар, ўша жойда тоғ бўлса ҳам қулаб тушарди. Саботсиз мозандаронликлар бу гирдобдан юзларини ўгириб, қайтиш жиловини буришди. Ҳайҳот қанча-қанча эгасиз отларнинг туёғи отсиз одамларнинг бошларини босиб турарди! Қиёмат куни мана шу кечанинг бир соатича бўлса ажаб эмас. Мозандароннинг аксар лашкарлари жарликлар, ботқоқликлар ва ўрмонзорларда ҳалок ва нобуд бўлишди.

Юз минглаб тиғлар дамидан минг ҳийла билан ўзини қутқариб қолган рамақижон амир Вали шундан сўнг Астрободга қочди ва шу заҳоти хотин ва фарзандларини ташқарига чиқазиб Чалов ва Рустамдор тарафга қараб йўлга тушди. Тонг пайтида саодат таёғи билан навбат ноғораси чалинди ва тонг муқаддимаси «кундузнинг пойқадамлари муборак» деди. Лашкар Астрободнинг атрофларини ҳалқа қилиб ўраб олди, Сайидлар, шайхлар, аслзодалар ва аҳоли биргаликда истиқболга чиқиб, тазарруъ юзини даргоҳ остонасига суртдилар. Султон Соҳибқирон уларнинг барчасининг кўнгилларини олди.

### ТЎҚМОҚ ЛАШКАРИНИНГ ҚАМАРИДДИН ИҒВОСИ БИЛАН МОВАРОУННАҲРГА КЕЛГАНИ ВА ЎЗКАНД ВИЛОЯТИДА МЎҒУЛЛАР ҲАРАКАТИ ТУФАЙЛИ РЎЙ БЕРГАН ФИТНА ЗИКРИ

Қамариддин Мўғулистондан тамасини узгандан сўнг Тўхтамишга бориб қўшилди. Олдин зикр қилинганидек, Тўқмоқ лашкари Кура дарёси соҳилида музаффар лашкар томонидан мағлуб этилгач, Тўхтамиш бу шармандалик доғини ювиш учун Қамариддинни Оқхожа ўғлон билан биргаликда Туркистон йўлидан Мовароуннаҳрга юборди. Самарқанд лашкарлари билан Туркистон музофотларидан бўлган Тўйтепа ҳудудида турган Аббос, Сулаймоншоҳ ибн Довуд ва Баронхожа Кўкалтош амирзода Умаршайхга бориб қўшилишди ва Тўқмоқ лашкарини даф этиш учун отланишди. Жанговар сафларни тартибга келтиргандан сўнг, амирзода Умаршайх ўз одатига кўра Аббосни ғулга қўйди ва ўзи қоровул баҳодирлари билан муқаддимада туриб ғаним лашкарига ташланди. Бир-икки мартаба худди ғазабнок шер каби душманнинг чап ва ўнг қанотига ёриб кириб, уларни тўзғитиб ташлади. Аммо ғанимлар уни кичик бир гуруҳ билан ўраб олишди ва қуршов доираси ҳалқасини торайтиришди. Амирзода қайси тарафга юзланса, ўша ёқда душман ҳамласига шикаст етарди. Бир неча соат давом этган ушбу қирпичоқ олишув пайтида Самарқанд амирлари амирзода Умаршайх ва унинг атрофидагилар аҳволидан воқиф бўлмадилар. Амирларнинг ҳар бирининг хотирига минглаб росту ёлғон васваса йўл топиб, оқибатда иш чаппасига кетибди, деган хаёлда жиловни буриб, Самарқанд тарафга қараб йўлга тушдилар.

Амирзода Умаршайх юзга яқин отлиқ аскар билан ғанимнинг ўнг ва сўл тарафиға рустамона ҳамлалар қилиб, Исфандиёр ҳунарларини зоҳир этди. Амирлар қочиб кетишганидан хабардор бўлгач, у таажжубга тушди ва жиловни ўз ғули томонга бурди. Ўзканд лашкарини ҳам сафдан тополмади. Бу ҳаракатни ўз кўзи билан кўргач, амирзода ҳаддан ташқари изтиробга тушди ва ушбу жанггоҳда ҳалок бўлиб, бу беномусликни ўзи билан тупроққа олиб кетиш умидида, ўша кичик гуруҳ билан тағин бир-икки мартаба душман сафларига қаттиқ ҳужумлар қилди. Бу ҳамлалардан олдингидан ҳам кўра кўпроқ душман қирилди. Бир меҳрибон киши амирзоданинг сайъ-ҳаракати жиловини шафқат қўли билан ушлаб, жанггоҳдан ташқарига олиб чиқди. Амирзода Умаршайх шу даражада жангга иштиёқманд эдики, жанг майдонидан бир фарсах узоқлашгач, Самарқанд амирларига бу қабиҳ ҳаракатларига қарама-қарши ўлароқ, Самарқандни қатъий равишда ҳимоя этишлари ҳақида пайғом юбориб, ўзи катта лашкар билан уларга мададга етиб бориш учун Ўзканд томонга йўл олди. У келишидан илгари, жанггоҳдан қочиб ундан ажраган хос кишилардан бир гуруҳи ўзларининг эгри тасаввурлари ҳосиласи бўлган ёмон овозларни етказишди. Чунончи, амирзода Умаршайхнинг ҳарамлари шаҳарни ўз ҳолига ташлаб, тоққа йўл олишди. Шаҳар аҳолиси бир неча фирқага бўлиниб ғалаёнга келди. Амирзода Умаршайх етти отлиқ билан етиб келиб вилоят аҳолисига таскин берди ва бир қанча лашкар ҳозирлаб Самарқанд тарафга отланди.

---

*1 манғлой — қўшиннинг илғор қисми.*
*2. ғул — қўшин маркази; асосий кучлар.*
*3. «юрт» сўзи муайян бир қабила ёки ҳарбий қисм эгаллаб турган жой маъносида ҳам ишлатилган.*
*4. жор — оммавий тарздаги буйруқ ёки хабар. Ҳозирги ўзбек тилидаги «жар солмоқ», «жарчи» сўзлари шундан келиб чиққан.*
*5. Чандовул — лашкарнинг орт қисми, арьергард.*
*6. «қамарға» сўзи уруш пайтида душман қисмларини, катта ов пайтида эса ёввойи ҳайвон тўдаларини ўровга олиш маъносидадир.*
*7. Гармсир — Қандаҳор вилоятига қарашли туман.*
*8. «жирга» сўзи бу ерда «қурилтой» маъносидадир.*
*9. баронғор — ўнг қанот, баронғор ғули — ўнг қаноатда жойлашган асосий кучлар.*
*10. жавонғор — сўл қанот.*
*11. қанбул — лашкарнинг ўнг ва сўл қанотлари чеккасидаги қўриқчи бўлинма.*
*12. Натанзий баъзи ўринларда Олтин Ўрда (Дашти Қипчоқ) лашкарини тўқмоқ лашкари деб атаган.*
*13. Қамариддин — Мўғулистон ҳукмдори. Амир Темур унга қарши узоқ ва оғир уруш қилишига тўғри келган.*
*14. Рустам ва Исфандиёр Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони қаҳрамонларидир.*

# МИЛЛИЙ БИЛИМ АСОСИ — БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

Катта бўлиб «Алифбо»ни қўлингизга олганингизда, биринчи ҳарфларини қандай ўрганганингизни эслай оласизми? Ёки дабдурустдан хат-саводим чиққан, қўшиш-олишни ўзи яхши билардим, деб фахрланасизми? Тўғри, кичкинтойлар тиришқоқ, бирор янги нарсани ўрганишга чанқоқ бўлишади. Гоҳ ота-онаси, ака-укалари кўпинча танбеҳ берса-да, ўргатадиган опачасидан мамнун етти-олти ёшли жажжиларимиз мактаб остонасига қадам қўйишганда «Алифбо»дан анча бохабар бўлишади. Боғчага борган фарзандларимиз эса, ўзбек ҳарфларини бемалол билишади, арифметикадан бир мунча сабоқ олишган бўлишади.

Мен хизмат тақозоси билан 1968 йилда пойтахтнинг Эски жўва даҳасидаги 14-мактабда бўлиб, Оқилхон домланинг дарсларига кирганман. Домла — Оқилхон Шарофиддинов шунчалик берилиб сабоқ ўтганларидан жажжи қизалоқнинг бирдан уввос тортиб йиғлаб юборганида, домла ҳам кўзларига ёш олганлар... Танаффусда сўроққа тутдим.

— Билмадим, болам, мен ҳам ўшалардай, болажонман, ўшалардай ҳис қиламан ўзимни...

Бу сўзларда бир олам ҳикмат борлигини — бугун мактабларимизда бошланғич синфлар ўқитувчилари дарслари, уларнинг 9243 мактаб синфларида ўз соҳаларини устозларидай билишлари ва таълим беришларини ўйлайман.

Ваҳоланки, биринчи таълим — бошланғич таълим — «Алифбо», арифметика, табиат, она тили, иқтисод алифбоси, адолатнома, одобахлоқ асосларини ўрганиш, умуман ҳижжалашдан бошланғич (I—IV синфлар) билим асосларини эгаллаб, болакайларимизнинг ёшлари ҳам улғайиб, дадил тортиб ва мустақилликка эришадилар. 5-синфда кўплаб қўшимча фанлар, мушоҳадалар, фикрлар анчагина ўзига хос давом этади.

Бошланғич таълим — мамлакатимиз мактаблари пойдеворидир, яъни ўқувчиларга билим беришда, атоқли педагог Абдулла Авлоний қайд қилганларидек, алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Ва халқимиз асрлар давомида унга жиддий эътибор билан қарайди.

Ҳозирги пайтда Республика Халқ таълими вазирлигида таълимга, айниқса бошланғич таълимга эътибор алоҳида.

Бошланғич таълимда алоҳида фидойилик, билимдонлик, ижодкорлик ва ташаббускорлик, муҳим истиқболни кўра билиш каби жиҳатларнинг уйғунлиги талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан халқ таълимига оид қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари материаллари, хусусан халқ таълимига тегишли масалалар чуқур ўрганилиши ва келгуси вазифалар белгилаб олиниши лозим.

Бошланғич таълимнинг янги шаклларини дарс жараёнига олиб кириш, ўзига хос технология ва дидактик воситаларни қўллаш, педагогик диагностикани жорий этиш каби муаммоларига жиддий эътибор берилмоқда. Шу йил 9—12 апрел кунлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб Бухоро шаҳрида ўтказилган педагогик ўқишларда, хусусан, халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев маърузаси ва «Маърифат» газетасининг 20 апрел сонида чоп этилган «Таълимда янгиланиш — давр талаби» мақоласида бошланғич таълим муаммолари алоҳида қайд этилди. Август кенгашларида мазкур педагогик ўқишлар материаллари кенг муҳокама қилиниши ва тегишли хулосалар чиқарилиши зарур.

Ўзбекистоннинг келажагини ҳозирги ёш авлод яратади. Бугунги иқтидорли ўқувчи — президент кўп бора такрор-такрор айтганидек, мамлакат тараққиётининг таянчидир. Ҳозирги кунда бошланғич таълимданоқ иқтидорли ёшларни танлаш, улардаги мавжуд салоҳият ва имкониятларни тарбиялаш ҳамда ривожлантириш соҳасида Халқ таълими вазирлигининг тегишли илмий-методик муассасалари катта ташкилотчилик ишларини амалга оширмоқдалар. Республика «Истеъдод» маркази фаолият кўрсатиб турибди. Иқтидорли болалар кўрик-танловларини, слётларни ташкил этиш анъанага айланган.

Истиқлол туфайли жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий- маърифий ўзгаришлар бу борадаги ишларни янада жонлантиришни, фаолият кўламини кенгайтиришни тақозо этади.

Маълумки, шу ўқув йилидан бошлаб, янги ўзбек алифбосига ўтиш бошланғич таълимнинг биринчи синфида олиб борилади. Дарсларимиз лотин графикасига ўтказилиб, «Алифбо», математика, иқтисодий алифбо ва бошқалар ўқитилади. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 мартдаги 204-қарори ва Халқ таълими вазирлигининг 16 апрелдаги буйруғига кўра шу йилдан янги ўзбек алифбосига ўтиш бошланиб, барча синфларимизда босқичма-босқич 2005-йилгача, яъни ўн йил мобайнида амалга оширилади.

Таълим рус, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман, корейс, татар тилларида олиб бориладиган гуруҳлар (синф)да янги ўзбек алифбосини ўқитиш 1997/98 ўқув йилидан амалга оширилади.

Янги алифбони ўрганишга оид бир қатор дастур ва қўлланмалар нашрга тайёрланди, айримлари босмадан чиқарилди. Бинобарин, «Мактабгача ёшдаги болаларни саводга ўргатиш» дастури, «Топишмоқли алифбо», «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари», «Ўзбек тилининг имло луғати», «Янги алифбони ўрганамиз», «Расмли алифбо», «Янги алифбо ва имлони ўрганиш» дастури, «Ҳамроҳим» қўлланмалари шулар жумласидандир.

Республикамиздаги ижтимоий муносабатлар, иқтисодий сиёсатдаги ўзгаришлар иқтисодий тарбиянинг барчага баробар тааллуқли ва узлуксиз бўлишини тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича Идоралараро Кенгашининг 1996 йил 16 мартдаги «Ўзбекистон республикаси иқтисодий таълими ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорини ижро этиш, узлуксиз таълимни ташкил қилиш мақсадида ХТВнинг 1996 йил 29 апрелдаги «Халқ таълими муассасаларида иқтисодий таълим-тарбияни такомиллаштириш тўғрисида»ги 92-рақамли буйруғи қабул қилинди.

Шу буйруққа биноан «Барча умумтаълим мактабларининг (қайси тилда ўқитилишидан қатъий назар I—XI синфлари учун 1995—1996 ўқув йили ва 2000 йилгача мўлжалланган таянч ўқув режаси»га ўзгартириш киритилиб, 1996—1997 ўқув йилидан бошлаб «Иқтисодий таълим асослари» фани киритилди.

Республика Таълим илмий-методика маркази томонидан мавжуд дастур ва методик қўлланмалар қайта ишланади, методик тавсиялар, намунавий машғулот, ўйин баённомалари, иқтисодий тушунчалар киритиш бўйича тавсия, дарс ишланмалари, «Иқтисодий таълим асослари»дан 34 соатга мўлжалланган дастур, дарслик, ўқув қўлланмалари, тавсиялар тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари ва кўрсатмалари асосида ўзида миллий ғурур ва анъаналарни мужассам этган янги ўқув адабиётлари «авлоди»ни яратиш, уларни амалиётга тадбиқ қилиш ва шу асосда таълим мазмунини такомиллаштириш, миллий тикланиш тарбияси билан боғлиқ ўқув предметлари мазмунини тубдан янгилаш соҳасида РТИММда салмоқли иш олиб борилмоқда. Жумладан, 1996—1997 ўқув йили учун «Ўқитувчи» нашриёти орқали 71 номда кутубхона жамғармасига киритилган дарсликларни чоп этиш режалаштирилган.

«Ўзбекистон» нашриёти умумтаълим мактабларида Ватанимиз тарихи, маданиятини тарғиб қилиш мақсадида ўқиш рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида олиб бориладиган мактабларимиз учун 40 номда дарсликларни чоп этишни режалаштирган. Ҳозирги пайтда мазкур ўқув адабиётлари нашр этилиб, савдо тармоқлари томонидан тасдиқланган тақсимот асосида вилоятларга етказилди. «Ўқитувчи» нашриёти эса 5 номда мазмуни тубдан янги ўқув дастурини чоп этди. Булар «Мусиқа», «Она тили», «Янги алифбо ва имлони ўрганиш» ва бошқалар.

Бизнинг Тошкент вилоят Миллий тикланиш партияси ташкилотимиз партиянинг пленумини муносиб кутиб олиш, айниқса, таълимнинг бошланғич бўғинини ривожлантиришга жиддий эътибор бермоқда. Кенгаш аъзоларининг 70 фоизи педагог-домлалар бўлиб, аксарияти бошланғич таълим билан бевосита боғлиқдирлар. Чунончи Кенгашимиз Раёсати аъзоси, Янгиобод шаҳридаги 7-мактаб ўқитувчиси Маҳбубахон Исҳоқова ва яна юзлаб ўқитувчилар бошланғич таълим асослари учун зарурий адабиётларни ўз мактабларига олиб келишди. Жумладан, Бўка тумани (Кенгаш раиси Э. Йўлдошев), Оҳангарон шаҳри (Кенгаш раиси Қ. Кенжаев), Ўрта Чирчиқ тумани (Кенгаш раиси Ф. Абдужабборов) каби партия ташкилотларимиз мактаб-маориф соҳасида ниҳоятда фаоллик билан иш олиб бормоқдалар.

Партиямиз пленумида мамлакатимиз ислоҳотларида муҳим ўрин тутган бошланғич таълим масаласи кўтарилмоқда. Бу хайрли ишда партиямиз ҳукумат режаларини юксак савияда амалга ошириш учун яқиндан ёрдам бериши шубҳасиз.

**Каримжон НОРМАТОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор,**
**Тошкент вилоят партия ташкилоти Кенгаши раисининг биринчи муовини**

# УСТА АБДУҒАФФОР ҲАҚҚУЛОВ

«Ўрта Осиё санъати қадимийлиги билан дунёга машҳурдир. Ўтмишда ота-боболаримиз қурган муҳташам бинолар ҳозирги кунгача мафтункор жилвасини йўқотмаган. Юксак дид билан ишланган безаклар бизни ҳозиргача ҳайратга солиб келмоқда. Ҳатто хорижий эллардан ташриф буюрган сайёҳлар ҳам диёримиздаги қадимий ёдгорликларнинг бадиий дид билан ишланган нақшу нигорларини кўриб лол қолмоқдалар. Эсдаликлар дафтарига илиқ сузларини ёзиб қолдирмоқдалар». Чунки «Қуёш нурида товланиб кўзни қамаштиргудек жилва бериб турган рангли кошинлар гўзаллик ва жозиба касб этади. Эшикларга ўйилган турли нақшлар, дарчалар тепасидаги ганч ёки мармардан ўйиб ишланган панжаралар, деворларнинг пастки қисмига ўрнатилган мармар тошларнинг ўймакор нақшлари ва кўкка бўй чўзган минораларнинг қомати, уларга мутаносиб ишланган хилма-хил гуллар бир вақтлар Шарқда маданият жуда юксак даражада бўлганлигидан далолат беради. Қўли гул усталар яратган санъат дурдоналари кишиларга эстетик завқ бағишлайди ҳамда уларни ахлоқий тарбиялашда муҳим восита ролини ўйнайди. Ёдгорликлардаги қуёш нурида товланаётган саркор кошинлар, нафис нақш-нигорлар беихтиёр кишиларни ўзига мафтун этади. Бу нақшу нигорлар бир неча асрлар муқаддам яратилган бўлса-да, ҳозиргача ўз нафосатини ва нафислигини йўқотган эмас».

Бу сатрлар машҳур уста Шамси Ғафуровнинг шогирди олтмиш олти ёшли ва умрининг қирқ олти йилини масжид ва мадрасаларни таъмирлашга бағишлаган камтар инсон Абдуғаффор Ҳаққуловнинг «Таъмир санъати» (Тошкент, «Меҳнат», 1991 йил) асарига тегишлидир. Қарийб 9 босма табоқдан иборат ушбу китобни варақлар экансиз, унинг муаллифини таъмирлаш ишининг қанчалик шаклланган устаси эканлигига тан бермай иложингиз қолмайди. Ў ганч ва ундан фойдаланиш технологиясининг физик, кимёвий ва бошқа хусусиятларини, кошинпазлик санъати ва тарихини, хом ашёларнинг тури, кошинларнинг сифати, лойиҳалаш ишлари, таъмир турлари ва сирлари, мамлакатимизда олиб борилаётган кўп қиррали таъмирлаш ишлари, бу ишдаги муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, обидаларни таъмирлашнинг яширин сир-асрорларини яхши билади. Яна бир мисол.

«Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш» рисоласи (Тошкент, «Ўқитувчи», 1983 йил) ҳам А. Ҳаққулов қаламига мансубдир. Унда уста ва шогирд, шогирднинг бурчи, устахона жиҳозлари, ганч ҳикмати, таъмир турлари, ғишткорлик, равоқ боғлаш усуллари, линга тайёрлаш ва ўрнатиш, қўш равоқ, тўғри равоқ, пештоқ, гумбаз шаклини топиш, бағал усулидаги гумбазни боғлаш, безак таҳбин, кошин ишлари, дандона тайёрлаш, равоққа кошин ишлатиш, андазабуришни тайёрлаш ишлари, карниз ишлари ва ниҳоят узоқ йиллар давомида турли сабаблар билан емирилган кўҳна биноларга иккинчи ҳаёт бахш этишнинг йўл-йўриқлари, усуллари ҳақида фикр юритилади.

Ўз ҳунарига ҳавас қўйган А. Ҳаққулов ҳамиша изланишда. У ҳамон янгилик излаш, таъмирлашнинг ота-боболаримиздан қолган сиру-асрорларини қидириб уларни амалиётда қўллашни ёқтиради. Дастлаб у 1962 йилда Москва шаҳрига бориб таъмирлаш соҳасида тажриба ўрганиб қайтди ва кейинги ишларида таъмирлашда қўлланиладиган кошинлар ва бошқа материалларни илмий асосда йўлга қўйиш устида иш олиб борди. 1973 йилда А. Ҳаққулов республика ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятининг президиуми аъзоси этиб сайланди. Шунда унинг олдида меъморчилик санъати мактабини очиш нияти пайдо бўлди. Бу мақсадни амалга ошириш мақсадида у собиқ совет даврида юқори идораларга таклифлар билан чиқди. Ниҳоят Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганлиги шарофати туфайли А. Ҳаққуловнинг орзиқиб кутган нияти амалга ошди. 1993 йилнинг 13 июл куни Самарқанд вилояти ҳокимининг «Самарқанд меъморчилик санъати мактабини очиш ҳақида»ги қарори чиқди. Унинг биринчи бандида «Самарқанд тумани Хўжа Аҳрор Вали қўрғонида жойлашган Нодир Девонбеги мадрасаси негизида Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш олий билимгоҳи ҳомийлигида вилоят ҳокимиятининг халқ таълими бошқармаси тасарруфида машҳур уста Абдуғаффор Ҳаққулов меъморчилик санъати мактаби ташкил этилсин» деган сўзлар ёзилган. «Мен учун бу мактабни очилиши жуда қувонарли бўлди, — дейди А. Ҳаққулов. — Ҳозирча мактаб Нодир Девонбеги мадрасасининг бир хонасига жойлашганига қарамай ўқув дастури ишлаб чиқилди. Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган бу илм даргоҳида кўп қиррали миллий меъморчилигимизнинг энг қадимий санъат намуналари, жумладан, лойиҳалаш, ғишткорлик, равоқ, гумбаз, пештоқ, миноралар тури, миллий ганч, ўймакорлик, наққошлик санъатлари, кошин ва кошин буриш, ҳаттотлик санъатининг яширин сиру асрорлари ёшларга ўргатилиб келинмоқда. Мактабнинг асосий мақсади ёшларга меъморчилик санъатини ўргатиш ва ҳозирги вақтда таъмирлашга муҳтож қадимий ёдгорликларни таъмирлаб уларга иккинчи ҳаёт бахш этишдир».



Шу кунларда А. Ҳаққулов раҳбарлик қилаётган меъморчилик санъати мактаби Самарқанд вилоятидаги энг йирик ёдгорликларни оталиққа олиб ишламоқда. Нодир Девонбеги мадрасаси, «Хўжа Абду Берун ёдгорлиги ва бошқа тарихий бинолар шулар жумласидандир. Уларда А. Ҳаққуловнинг Абдуқаҳҳор ва Абдураззоқ исмли фарзандлари ота изидан бориб иккита таъмирлаш бригадасини тузиб иш олиб бормоқдалар.

Мазкур мактаб истиқболини яхшилаш учун вилоят ҳокими мактаб учун янги бино қурилишига ер ажратди, маблағ белгилади.

Ҳозирги вақтда А. Ҳаққулов томонидан меъморчилик мактаби ва санъатининг дастури ишлаб чиқилди. Меъморчилик санъати мактабига ёши 25 дан ошмаган, танлов имтиҳонларидан ўтган йигитлар қабул қилинади. Ўқиш муддати 2 йил. Шу кунларда Самарқанд вилоятининг узоқ туманларидан, ҳатто Қорақалпоғистон Республикасидан 10 нафар ўқувчи меъморчилик санъатини ўрганмоқдалар.

А. Ҳаққулов шогирдлари ҳақида қайғуради. Уларнинг кўп бўлишини орзу қилади. «Агар устоз ўзидан кейин муносиб, истеъдодли, билимдон шогирд қолдирмаса, унинг ҳаёти, умри бекор ўтди дейишга тўлиқ ҳақлимиз. Чунки ўша уста қанчалик буюк бўлмасин, ўз ишини қанчалик севмасин, тарихда қанчалик чуқур из қолдирмасин, агар ўз билимини ишончли шогирдга қолдирмаса, келажакда унинг эзгу ишларини давом эттирувчи бўлмайди» — дейди у. Ҳа, худди шундай. Устанинг ишини давом эткарувчи шогирдлари бўлмаса унинг ҳунари ҳам касби ҳам кейинчалик йўқ бўлиб кетади. Ҳар бир устанинг жамият, халқ, ҳаёт олдидаги бурчи ва вазифаси ўз ҳунарини келажакда давом этиши учун фарзандларига — шогирдларига ўргатишдан иборатдир. Бу ҳаёт талаби.

**Тошпўлат ТОШЛОНОВ,**
**профессор**

